


«Ҳавзим бир ойлик йўлдир...»



11:55 / 16 апрель 553

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳавзим бир ойлик йўлдир. Унинг суви сутдан оқ, ҳиди мушкдан хушбўй, кўзалари осмондаги юлдузлар каби. Ундан ким ичса, абадулабад чанқамайди»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Бошқа ривоятда:

«...бир ойлик йўл. Атрофлари баробар. Суви кумушдан оқ», дейилган.

Муслим ривоят қилган.